

## АЛ-ФАРОБИЙ ДАВРИДАГИ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ВАЗИЯТ

**Ж. С. Раматов**

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
мудири

**М. Ҳасанов**

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада буюк қомусий олим Абу Наср Ал-Фаробийнинг борлиқ ҳақидаги мулоҳазалари ҳамда фанларнинг таснифлани борсидаги қарашлари илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади. Шу ўринда олимнинг қатор хорижий олимлар томонидан ўрганилган асарлари ҳамда фалсафа фанидан доир бўлган мулоҳазалари батафсил таҳлил қилинади. Ал-Фараобийнинг фанлар таснифи ҳақидани қарашлариганга илмий нуқтаи-назардан муносабат билдирилади, ҳамда замонавий педагогик технотониялардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ва таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Фаробий, сиёсат, фалсафа, борлиқ, мантиқ, тарих.

### ABSTRACT

This dissertation provides a scientific and philosophical analysis of the views of the great encyclopedist Abu Nasr al-Farabi on the existence and classification of sciences. In this regard, a detailed analysis of the works of the scientist, studied by a number of foreign scholars, as well as his comments on the subject of philosophy. Al-Farabi's views on the classification of sciences are treated from a scientific point of view, and recommendations and analytical data on the use of modern pedagogical technologies are given.

**Keywords:** Farabi, politics, philosophy, existence, logic, history.

### КИРИШ

Буюк аждодлар меросини ўрганиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир. Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “Мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк

алломалар ҳеч қаерда йўқ . Ана шундай улуғ номга муносиб аллома Фаробий эди. Фаробий илк ўрта асрда, Шарқ Уйғониш даврида ижод этди. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, хунармандчилик, ирригация иншоотларининг юксалиши, янги шаҳарларнинг бунёд этилиши, маданий ва маънавий ҳаётнинг раванқ топиши билан ажралиб туради. IX-X асрларда ички ва ташқи савдо кучайди, айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Византия, Африка мамлакатлари билан алоқа йўлга қўйилди. Бу давр қарамақаршилиқ ва адоватлардан холи эмас эди. Фаробийнинг фалсафий қарашларида ўша даврнинг ютуқ ва камчиликлари, мураккаб ва зиддиятли жиҳатлари ўз ифодасини топди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олимнинг илмфан олдидаги хизматларидан бири унинг юнон мутафаккирлари асарларини шарҳлаганлиги ва уларни янги ғоялар билан бойитганлигидир. Аллома, энг аввало, Арасту асарларига шарҳлар битган, унинг натурфалсафий ғояларининг тарғиботчиси ва давомчиси сифатида танилган. Фаробий, шунингдек, Афлотун, Александр Афродизийский, Евклид, Птолемей, Порфирий асарларига ҳам шарҳлар ёзганлиги маълум. Булардан ташқари, Гиппократ, Эпикур, Анаксагор, Диоген, Хрисипп, Аристипп, Сукрот, Зенон асарларидан хабардор бўлган ҳамда эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар, киниклар мактабларини яхши билган.

Ал-Фаробийнинг бутун дунё тан олган борлиқ ва фанлар таснифи ҳақидаги қарашлари оид мезонлари битирув ишининг объекти сифатида хизмат қилади.

Ал-Фаробийнинг илмий ва фалсафий асарлари замонавий педагогик технологиялар орақали ўрганиш, фалсафа фанидаги қарашлари, онтология ва фанлар таснифига оид қарашларини илмий ва фалсавий жиҳатдан ўрганиш битирув ишининг предмети ҳисобланади. Ал-Фаробийнинг фалсафий қарашларини таҳлил қилиш орқали бугунги кундаги жамиятимизга муносиб ёшларни маънавиятини ошириш, уларни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳамда олимнинг илмий-ижодий ишларини янада кенг тарғиб қилган ҳолда, фалсафий билимларни оширишдир.

Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда битирув ишида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш қўзда тутилган:

- Борлиқ ҳамда мантиқ идрокининг методологик асослари чуқур таҳлил қилиш,

- Ал-Фаробийнинг борлиқ ҳақидаги тенденцияларининг умумий хусусиятларини таҳлил қилиш;

- Ал-Фаробий таълимотида билимлар назарияси, фанлар таснифи ва ўзига хос хусусиятлари ўрганиш;

- таълим-тарбия тизими самарадорлигини ошириш имкониятларига оидназарий хулосалар ва амалий таклифларни илгари суриш.

Бугунги кунда халқаро майдонда ва юртимизда буюк комусий олим Ал-Фаробий ижожига, фалсафий қарашларига, илмий изаланишларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шунга кўра танланган мавзу бўйича битирув ишини тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида” ги янги таҳрирдаги Қонуни (2020 йил 23 сентябрь), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5-июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарори, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон қарорларидан фойдаланилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бир қатор Қарор ва буйруқларида белгиланган мавзуга оид маълумотлар таҳлил қилинди. Мавзунини ёритишда асосан, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳамда амалдаги президент Шавкат Мирзиёев асарлари ва маърузаларидан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари, олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш йўллари орқали, таълим сифати менежментини таъминлаш бўйича кўпгина олимларининг адабиётларидан фойдаланилди.

Аждодларимизни биз ёш авлодларга қолдирган бой илмий меросини ўрганиш орқали, ўз келажакимизни ҳамда жамиятимизнинг маънавий қиёфасини ижобий томонга ўзгартириш энг улуғ мақсадимиздир. Ўрта асрлар даврида Шарқ дунёси ва Қадимги Юнонистон кадриятларини таҳлил қилиш орқали биз, қадимги ҳинд, юнон сурия, дари-форс тилларидан таржималар, ўтмиш олимларининг асарларини шарҳлаш ва кенг фойдаланиш, маданиятнинг қайта тикланиши



кузатишимиз мумкин. Шарқшуносликда ўзига хос ютуқ сифатида ушбу даврнинг маданий хусусиятлари асосан юнон илми ва фалсафасини ўрганишсифатида қаралади. Ҳақиқатан ҳам, қадимги Юнонистон анъаналари ҳамда маданияти дунёвий ривожланишга катта таъсир кўрсатди. Бирок, Ўрта аср Шарқи учун бу бой мафкуравий манба ягона маданият эмас эди, шунингдек, қадимги юнон илмий анъаналари бевосита тўлалигича кўчирилмаганлигини манбалар орқали кузатишимиз мумкин. Шарқ олами ҳам ўзига хос маданий анъаналарига ва кадриятларга, бир-бирини такрорламас фалсафий қарашларга эгадир. Мусулмон Шарқ олами ғарб дунёсининг ўзига хос жиҳатларини ўзларининг жамиятдаги принсп ва тамоилларига мос тарзда ўрганишди. Танлаш мезонлари биринчи навбатда замон талаблари, келажак эҳтиёжлари, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ эканлигини улар яхши анлашар эди. Илк ўрта асрлардан бошлаб жаҳон маданияти ривожига таъсир этган Ислом динини илмий ва фалсафий ривожланишига Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Марвозий, Ибн Сино, Беруний, Мукаффа, Раванди, Наззам, Закария ар-Розий, Кинди, Жоҳид, Ибн Рушд, Ибн Баджа, Ибн Туфайл каби буюк мутафаккир алломалар фаол иштирок этишди. Бундан кўришиб турибдики, юқоридаги олимлар ўз даврининг энциклопедик олимлари ҳамда Ўрта аср шарқ маданияти ва фанининг энг яхши асарларимуаллифлари ҳам эди. Ушбу даврда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам сезиларли даражада ривожланмоқда эди. Хусусан, математика, астрономия, тиббиёт, кимё, география, механика, геодезия, мушқашунослик, мантик, оптика, грамматика ва бошқалар анча тараққий этган. Янги билимларни эгаллаш учун узоқ юртларга саёхатлар қилиш, илмий тортишувлар олиб бориш, Хоразм, Бағдод академияларида одатий ҳолга айланади ва янгидан-янги индивидуал маданият марказлари пайдо бўла бошлади. Олимларнинг ўзига хос назария ва қарашлари шаклланди. Жумладан, Форобий, Кинди, Ибн Сино каби қомусий олимларни таъкидлаш жоиз. Айниқса, Ибн Синонинг ўша даврдаги - “дуаллик назарияси”- (ҳам дунёвий, ҳам диний илмилар соҳиблари) икки турдаги билимлар - диний ва фалсафий таълимот назарияси бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ушбу назарияни яъни, фалсафани диндан ажратиш тенденцияси ўзининг ёрқин кўринишини файласуф олим Ибн Рушднинг- Аверроизм таълимотида “Уйғониш даврида” европада эркин фикрнинг тарқалиши билан боғлаганлигини кўришимиз мумкин. Кўпчилик шарқшунослар, файласуфлар ва олимлар Шарқ уйғониш даври бевосита Евродаги уйғониш даври билан боғлашади. Тўғри, ҳақиқатан ҳам ушбу давр маданий



ҳаётининг баъзи хусусиятлари Италия Уйғониш даврининг шов-шувли даврини эслатади. Аммо Шарқ уйғониши ва Европа уйғониш даврлари куйидаги ўзига хос жihatлари билан фарқ қиларди: жамиятдаги феодал муносабатлар, диний қарашларнинг ўзгачалиги, давлат бошқарувида ва фуқаролар ўртасидани ўзаро муносабатлар бу фарқлар айниқса сезиларли даражада бўлган. Ушбу уйғониш даври шарқ фалсасидаги янги бир даражага кўтариб, эндилик ўзининг мустақкам илдизларига эгаллиги исботлади. Ўрта асрларда Шарқ дунёси ва Европа уйғониш даври жаҳон цивилизациясида муҳим босқич сифатида эътироф этилади ва ушбу босқичдаги мафкуравий ҳаёт ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги олимлар томонидан ўрганилган.

Фан, адабиёт ва санъат ютуқлари - ўрта асрларда яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларнинг дунёвий маданиятида ёрқин ва бой саҳифалар очганлигини, умумий инсоният цивилизациясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидлаш лозим. Тарихдан маълумки Ал-Фаробий яшаган даврда араб халифалиги катта ҳудудларини босиб олиб ўз давлати чегараларини кенгайтиришга интиланганлар. Карвон йўллари халифаликнинг бутун ҳудудидан ўтиб, ўзаро узок бўлган вилоятларни ягона бозорга айланттиришдек муҳим вазифани бажарган. Тахминан X асрдан халифалик алоҳида мустақил ҳудудларга ажрала бошлайди ҳамда босиб олинган мамлакатлар ҳудудларида – Ўрта Осиё, Эрон, Шимолий Африка, Испания каби давлатларда халифаликнинг муваққат ҳудудлари пайдо бўлган. Маданий ривожланиш жараёни ҳам янги босқичга қайтадан кўтарилиб, янада тараққий этди ва ривожланган. Тиббиёт, математика, астрономия, мантиқ, психология фанлари араб тилидан ҳинд, форс, юнон тилларига таржима қилинди. Бунга каби ишларни ташкил этишда халифаларнинг ўзи ёрдам берган, хусусан, халифалардан – Або Мансур (754-776), Хорун ар-Рашид (786-809), Маъмун (813-833) кабилар шулар жумласидандир. Яна шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, айнан шу даврда юнон файласуф ва олимларининг асарлари шарқ олами оммасига тақдим этилди. Жумладан, Афлотуннинг ("Қонунлар", "Тимей"), Аристотелнинг ("Сиёсат", "Категориялар", "Аналитика", "Келиб чиқиши ва йўқ қилиниши тўғрисида", "Рух тўғрисида", "Этика"), Теофрастус, Пирокл, Афродизия Александрия, Гиппократларнинг ("Ўткир касалликлар", "Инсон табиати" ва бошқалар), Галенанинг ("Хунармандчилик", "Ўқ ва касалликларни даволаш", "Анатомия" ва бошқалар), Евклиднинг ("Геометрия асослари", "Вертирес" ва бошқалар), Птоломейнинг ("Буюк бино") асарлари шулар жумласидандир. Халифа Маъмун даврида "Донишмандлар уйи" деб номланган "Байт ал-



Ҳикма" академиясининг фаолияти энг юқори чўққига чиқди ва астрономик расадхона ҳамда катта кутубхоналар ташкил этилди. Илм аҳли ҳар қачонгидан ҳам кўпайди. Жамиятда турли хил фалсафий қарашлар вужудга келди. Шулардан энг кенг тарқалган ғоявий оқимлардан бири тасаввуф эди. Тасаввуф Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маънавий ҳаёт тарихидаги муҳим ҳодисалардан биридир. Тасаввуф илмига сўфийшунос олим Э.Э.Бертельс ушбу фикрларни: “Барча мураккаблиги ва кўп қирралилиги билан ягона Сўфийлик ҳеч қачон мавжуд эмасдир, прогрессив ғоялар билан бир қаторда реакцион ғояларнинг мавжулиги сўфизимни янанада гўзаллаштирувчи омилдир”. Дарҳақиқат тасаввуф илмида сўфизм йўналиши маълум бир қолипларга бўйсуниб холатлари кузатилмайди. Балки шунинг учун бўлса керак, Ал-Фаробий яшаган даврда илм-фан ва фалсафий қарашлар бир томонлама эмас, ўзаро боғлиқлик билан кўп томонлама ривожланди. Мазкур даврнинг фалсафий оқимлари куйидаги асосларга эга эди: 1. неоплатонизм, 2. ислом мазҳаблари, 3. Аристотелизм, 4. тасаввуф илми каби тизимлардан иборат эканлигини кузатишимиз мумкин. Аристотелликлар (Кинди, Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушда ва бошқалар), марказда унинг диққатлари материя, табиат, инсон ҳақидаги таълимот эди. Шундай қилиб, ўрта асрларда араб тилида сўзлашадиган фикрда фарқлаш мумкинучта асосий оқим: 1) Исломда яққалика доир қарашдир, бу оқим халифада устун эди ва унинг манфаатларини ҳимоя қиларди; 2) пантеизмни ҳар хил даражада қўллаб-қувватлаган неоплатоник назариялардир. Тасаввуфда мавжуд бўлган тендентсияларнинг энг ёрқин ифодаси, турли хил ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг қарашларини акс этиши, кейинроқ Ғаззолийнинг саъй-ҳаракатлари билан тасаввуфнинг сирли унсурлари таълимотга киритилди, аммо оддий сўфийлар ҳанузгача қарши чиқишган; 3) прогрессив қатламлар истагини билдирган аристотелизм, табиатни ўрганишни ва табиатшуносликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаган.

## ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтганда жамиятда қарашлар ва ғоялар хилма-хиллиги мазкур жамиятнинг кай даражада тарққий топганини кўрсатади. Ал-Фаробий яшаб, ижод қилган давр нафақат ўша даврда балки, бугунги глобаллашув замонида ҳам муҳим ҳисобланади. Мусулмон шарқ олами ўзининг узоқ ривожланиш тарихини айнан мазкур даврдан бошлади. Буюк олим Ал-Фаробий яшаб ўтган давр шарқ ренессанс деб аталиши ҳам бежиз эмас. Инсон тафаккури юксак бир



босқичга, ривожланишга, мукаммаликка интилган ўзига хос давр сифатида кишилиқ жамияти тарихидан жой олади.

## REFERENCES

1. Кирабаев Н.С. Мукулмон Шарқининг ижтимоий фалсафаси (рта асрлар) -М нашриёти УДН, 1987.- С. 7.
2. Умрзоков.И.Б. Ўрта аср фалсафаси тарихи. Т., 1997.- С. 140.
3. Камбаров А.М. Ал-Фаробий: таълим фалсафаси ва муаммолари // Т.,1998.- № 4.С. 3-14.
4. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
- 5.М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
6. Рахимова, М. И., & Ҳасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.
7. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.
8. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.